

Ѓўзани кўсак қуртидан биологик химоялаш

Мамлакатимизнинг пахтачилик билан шуғилланадиган барча туманларда кемирувчи зараркунандалар ғўзанинг хосил элементларига катта зарар етказди. Уларнинг энг хавфлиси кўсак қуртидир. Беда тунлами, мингдевона тунлами ва шувоқ тунлами каби турлар ҳам ғўзага зарар келтиради. Кўсак қурти келтирадиган зарар, турли минтақаларида турличадир.

Сурхондарё, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги ғўзалар бу зараркунандадан доимо зарланиб туради. Бир қатор ирригация иншоотлари ишга тушгандан сунг, ушбу зараркунанда Бухоро, Қашқадарё Наманган вилоятларида, Сирдарё вилоятининг жанубий - шарқий қисмида анча кўпайди.

Кўсак қурти 120 дан ортиқ турдаги ўсимликлар билан озиқланади. Аммо 15-20 хил экинда, жумладан, ғўза, помидор, маккажўхори ва дуккакли экинларда доимий учрайди ва уларни кемириб кучли зарар етказди. Зараркунандага қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, хосил 30-40 % га камайди. Бу зарарни камайтириш долзарб мавзу. Шу сабабли кўсак қуртига қарши биологик курашга бағишланган илмий татқиқотларни Андижон вилоятининг Балиқчи, Избоскан, Андижон туманларида олиб бордик.

Кўсак қурти баҳорда тупроқ харорати 16 градусдан ошганда капалакка айланиб, учиб чиқа бошлайди. Учиш муддати 30 кундан кўпроққа чўзилади. Кўсак қуртининг биринчи авлоди одатда кам бўлади ва эртаги экинлардан нўхот, тамаки, зиғир, помидор ва маккажўхорида ривожланади.

Ѓўзада кўсак қурти капалаклари ўз тухумларини ғўзани ўсув нуқтасига ёш барглари ва хосил органларига якка- якка холда қўяди. Тухумлар дастлаб оппоқ бўлиб, кейинчалик қораяди. Капалак 20-30 кунлик хаётида 1000-4000 донагача тухум қўяди. Кейинги насл капалаклари эса ўртача 500-600 донагача тухум қўяди. Тухумдан чиққан кичик ёшдаги қуртлар ғўзанинг гул куртаклари ва ўсимликнинг тепа қисмидаги шоналарини зарарлайди. Қуртлар катталашган сари ғўза тупининг ўрта, пастги шохларига тушиб йирик шона ва гулларни шикастлайди. Улар сўнги ёшда кўсакларни ичига кириб олиб чигит қотгунча унинг хисобига озиқланади. Шикастланган гул шоналари, тугунчалар тўкилиб кетади. Ўсимликда қолган йирик кўсак чирийди. Битта қурт ўз хаёти давомида 24 донагача хосил ўрганини шикастлайди. 550 градус хароратда битта авлод беради. Ўзбекистонда 3-4 марта авлод беради.

Айниқса Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида кўсак қуртининг зарари жуда катта. Бу зарарни камайтириш учун кўсак қурти тухумларига қарши трихограмма тухум ёки етук зот шаклида ишчилар қўл кучи ёрдамида тарқатилди. Трихограмма парда қанотлилар туркумига киради. У халцидлар бош оиласига ва трихограмма оиласига мансуб хашаротдир. Табиатда пардақанотлиларнинг 100 га яқин тури мавжуд.

Ўзбекистон шароитида эса трихограммани 15 дан зиёд тури аниқланган. Трихограмма турли оилаларга мансуб хашаротларнинг тухумига ўз тухумини қўйиб хаёт кечиради. Трихограмма асосан дон куяси тухумларида кўпайтиради. Чунки бу зараркунанда тез кўпайиб, бир йилда 14-15 та авлод

беради. Трихограмма куя капалагининг битта тухумига биттадан бир нечтагача тухум қўяди. У жами 25-30 тагача тухум қўя олади. Паризитнинг барча ривожланиш даври қанотли хашарот учиб чиққунга қадар ўлжанинг тухумида ўтади. Паразит зарарлаган тухум ёки етук зот шаклида ишчилар қўл кучи ёрдамида далага чиқариб тарқатилади.

2012-2014 йиллари Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув тажриба хўжалиги шароитида ғўзанинг андижон 36 навида кўсак куртигак биологик кураш бўйича тажрибалар олиб бордик. Тажрибамиз 3 та шаклдан иборат бўлди. Биринчиси ишлов берилмаган вариант.

Иккинчи вариантда трихограмманинг етук зотлари тарқатилди. Учинчи вариантда трихограмманинг ғумбаклари қадоқланган ҳолатда тарқатилди.

Биринчи вариантда кўсак курти тухумларига қарши ҳеч қандай ишлов берилмади. Иккинчи вариантда кўсак курти тухумларига трихограмманинг етук зотлари кўсак куртини ҳар бир авлодига қарши уч марта 5*5 схемада тарқатилди. Кўсак курти тухумларига қарши 65-70% биологик самара берди.

Тажриба вариантыда кўсак курти тухумларига қарши трихограмманинг ғумбаклари махсус энтомологик клей ёрдамида ёпиштирилиб, қадоқланган ҳолатда кўсак куртининг ҳар бир авлодига бир марта тарқатилди. Бу усул кўсак курти тухумларига қарши 75-80% биологик самара берди.

Қишлоқ хўжалик екинларини зараркунандалардан биологик химоя қилишда трихограмманинг катта аҳамияти бор. Янги усулда қадоқланган ҳолатда тарқатилганда трихограмманинг биологик самарадорлиги 35-40 % га ошади. Яшовчанлиги 15 кунга чўзилади. Меҳнат сарфи эса 30-40% га камаяди. Трихограмма қадоқланган ҳолатда сифатли ихчам тарқатилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик екинларини зараркунандалардан биологик химоя қилишда трихограммани янги қадоқланган ҳолатда тарқатиш иқтисодий самара бермоқда.

Махфуза Юсупова қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
Мухаммадсултон Отохонов, Азиза Турғунова магистрант
Искандар асқаров талаба
Андижон қишлоқ хўжалиги институти

**Андижон қишлоқ хўжалиги институти
магистратура мутахассислиги
бўйича магистрант
Турғунова Азизанинг
Вўзани кўсак қуртидан биологик
химоялаш мавзусидаги мақоласига**

ТАҚРИЗ

Қишлоқ хўжалигида пахта екиладиган майдонларга кўсак қурти катта хавф туғдирмоқда. Андижон вилояти ҳам кўсак қурти билан доимий зарарланиб турадиган минтақа ҳисобланади.

Кўсак қуртига қарши биологик кураш экологик жихатдан мутлақо ҳафсиздир, олиб борилган тажрибаларда кўсак қурти тухумларига қарши трихограммани етук зотлари ҳамда бошқа вариантларда ғумбаклари қадоқланган шаклда тарқатилган, трихограмманинг етук зотлари кўсак қуртининг ҳар бир авлодига қарши уч мартта 5*5 схемада тарқатилганда биологик самарадорлик 65-70% га етган.

Трихограммани ғумбаклари махсус энтамалогик клей ёрдамида ёпиштирилиб қадоқланган ҳолатда кўсак қуртининг ҳар бир авлодига бир мартта тарқатилганда биологик самарадорлик 75-80% га етган, бу эса албатта яхши натижа.

Шу билан бирга ғумбаклар тарқатилганда меҳнат сарфи анча камайган. Трихограмма қадоқланган ҳолатда сифатли ихчам тарқатилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкунки биологик химоя қилишда трихограммани қадоқланган ҳолатда тарқатиш иқтисодий самара берган.

Избоскан туман Ёсимликларни химоя

қилиш маркази раҳбари:

М.Соҳибов

**Андижон қишлоқ хўжалиги институти
магистратура мутахассислиги
бўйича магистрант
Турғунова Азизанинг
Вўзани кўсак қуртидан биологик
химоялаш мавзусидаги мақоласига**

Т А Қ Р И З

Хозирги вақтда қишлоқ хўжалигида биологик курашга алохида эътибор қаратилмоқда, мамлакатимизнинг пахтачилик билан шуғилланадиган барча туманларида кемирувчи зараркурандалар ўзанинг хосил элементларига катта зарар етказади.

Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида кўсак қуртининг зарари катта, 2012-2014 йиллари Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув тажриба хўжаликларида ўтказилган тажриба бир вариантда кўсак қуртининг тухумларига қарши трихограммани етук зотлари, бошқа вариантларида эса ғумбаклари қадоқланган ҳолатда тарқатилган.

Тажриба натижаларига кўра трихограмма ғумбаклари қадоқланган ҳолда тарқатилган варианда биологик самарадорлиги юқорироқ яни 75- 80% га етган. Бунда меҳнат сарфи ҳам камайишига еришилган. Бундан кўриниб турибдики трихограмма ғумбакларини қадоқланган ҳолатда тарқатиш яхши самара берган.

**Андижон қишлоқ хўжалиги
институтини доценти:**

Қ.Хушвақтов